ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00240

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ЭЛЕКТРОН ТАЬЛИМ ВОСИТАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАРИ

Илҳом Умиров
Жиззах политехника институти
umirov-i@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Мақолада таълим жараёнига электрон ахборот таълим воситаларини жорий этишнинг педагогик-психологик омиллари ҳақида фикр юритилган бўлиб, таълимда инновацион технологияларнинг ўрни ва аҳамияти баён этилган. Шунингдек, дарс жараёнида электрон таълим воситаларидан фойдаланишнинг муҳим жиҳатлари, билимларнинг талабалар томонидан самарали ўзлаштирилишига хизмат қилиши келтирилган.

Калит сўзлар: электрон таълим воситалари, педагогика, психология, дастур, дарслик, мультимедиа, фаоллик.

PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL FEATURES OF INTRODUCTION OF ELECTRONIC INSTRUMENTS DURING EDUCATIONAL PROCESS

Ilhom Umirov
Jizzakh Polytechnic Institute
umirov-i@mail.ru

ABSTRACT

The article examines the pedagogical and psychological factors of the introduction of electronic information tools in the educational process, the role and importance of innovative technologies in education. It is also important to use e-learning tools in the classroom to help students learn effectively.

Keywords: e-learning tools, pedagogy, psychology, software, textbook, multimedia, activity.

КИРИШ

Ахборотларнинг тезкор янгиланиши даврида хар бир олий таълим муассасасида таълим сифати масаласи, таълимнинг сўнгги янгиликлари, техник воситалар ва технологиялар билан бойитилиши, таълимнинг замонавий ишлаб

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00240

чикариш билан интеграциялашуви мухим ахамият касб этмокда. Шунинг учун ҳозирги кунда техника олий таълим муассасаларида ўз касбий фаолияти соҳасида зарурий билимларга эга бўлган ва улардан мажмуавий тарзда фойдалана оладиган кадрларни тайёрлаш сифатига юқори талабларни қўймоқда. Бу талаблар ўз навбатида мамлакатимизнинг жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашиб бориши, миллий кадрларимизнинг жаҳон меҳнат бозори майдонларига чиқиб бориши жараёнларида бўлажак муҳандисларда электрон таълим воситаларини таълим жараёнига жорий этишни ривожлантиришни тақозо этмоқда [5].

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 октябрдаги **ПҚ-4851**-сон «Ахборот технологиялари соҳасида таълим тизимини янада такомиллаштириш, илмий тадқиқотларни ривожлантириш ва уларни IT-индустрия билан интеграция қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида қуйидагилар белгилаб қўйилган “Ахборот технологиялари соҳасидаги кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини муваффақиятли амалга ошириш, рақамли технологияларни ривожлантириш ва аҳолининг кундалик ҳаётига кенг жорий этишни таъминлашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Ахборот технологиялари соҳасидаги касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимининг самарадорлигини ошириш бўйича кўрилаётган чоралар давлат органлари ва тармоқ ташкилотларини малакали IT-мутахассислар билан таъминлаш учун мустаҳкам замин яратмоқда.

2020 йилда ташкил этиладиган, информатика ва ахборот технологияларини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган таянч мактаблари ҳамда уларга бириктирилган олий таълим муассасалари, илмий ва инновация марказлари.

2021 - 2023 йилларда республика туман (шаҳар)ларида информатика ва ахборот технологияларини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактабларни босқичма-босқич ташкил этиш.

2020 - 2023 йилларда информатика ва ахборот технологиялари йўналишида узлуксиз таълим сифатини ошириш бўйича «йўл харитаси» тасдиқлансин.

Шундай тартиб белгилансинки, унга мувофиқ бириктирилган ихтисослаштирилган мактабларда:

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00240

олий таълим муассасалари — ўқув жараёнини методик қўллаб-қувватлайди, юқори малакали профессор-ўқитувчиларни ва иқтидорли талабаларни таълим жараёнига жалб этади, маҳорат дарслари ва тўгаракларни ташкил этади;

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг:

Олий таълим муассасаларининг тегишли таълим йўналишлари талабалари ўртасида информатика, дастурлаш ва ахборот технологиялари соҳаларида ўтказиладиган республика фан олимпиадалари ғолиблари, шунингдек, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан белгиланадиган нуфузли халқаро олимпиадалар совриндорлари бўлган талабаларни олий таълим муассасаларининг тегишли магистратура йўналишларига ажратилган квота доирасида давлат грантлари асосида имтиҳонсиз қабул қилиш;

Олий таълим муассасаларининг ўқув дастури доирасида психология-педагогика фанларини ўрганган информатика ва ахборот технологиялари йўналиши битирувчиларига ихтисослаштирилган мактаблар ва умумтаълим мактабларида «Информатика ва ахборот технологиялари» фанларини ўқитишга рухсат берилсин.

олий таълим муассасаларининг информатика ва ахборот технологиялари билан боғлиқ таълим йўналишлари бўйича имтиёзли дипломга эга бўлган битирувчилари мазкур олий таълим муассасаларининг магистратурасига кириш имтиҳонларисиз тўлов-контракт асосида қабул қилинади” [5].

Ахборотлаштиришнинг миллий тизимини шакллантириш, барча соҳаларда замонавий электрон таълим воситаларини жорий этиш ва ундан фойдаланиш, жаҳон ахборот ресурсларидан баҳраманд бўлишни кенгайтиришга замин яратади. Фан ва техниканинг жадал ривожланиши жамият ҳаётининг барча соҳаларини ахборотлаштиришга асос яратди. Республикамизнинг иқтисодиётдаги, инсонлар ҳаёти ва жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни электрон таълим воситалари ривожланишнинг ҳолатига боғлиқ бўлиб қолмоқда.

НАТИЖАЛАР

Замонавий технологияларнинг ривожланиш ҳолати биринчи навбатда жамиятнинг интеллектуал салоҳиятига, жумладан, таълим соҳасининг ривожланишига боғлиқ. Таълим мазмуни ва сифати масалалари жамиятда устувор йўналиш сифатида қаралмоқда. Дунёнинг ривожланган ва

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00240

ривожланаётган мамлакатларида таълимни ахборотлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Таълимни ривожлантириш, унинг самарадорлигини ошириш йуллари изланмокда, таълимда янги электрон таьлим воситаларини жорий этиш таълим соҳасидаги ислоҳотларнинг диққат марказидан ўрин олган. Жаҳонда масофавий ўқитиш очиқ таълим тизимининг муҳим бўғини сифатида кенг тарқалмоқда.

Ер юзи цивилизациясининг ахборот майдонида, жамиятнинг ҳар бир аъзоси, ўзининг кундалик фаолиятида, узлуксиз равишда ахборотлардан фойдаланади. Доимий равишда ортиб бораётган ахборотлар ҳажми жамиятдаги интеллектуал салоҳиятнинг ошишига хизмат қилади. Жамиятнинг ҳар бир аъзоси ҳаётий фаолиятининг барча соҳаларида ахборотлардан фойдаланиш ахборот муҳитининг шаклланишига асос бўлади. Замонавий ахборот технологиялари муҳити, ўзида ахборот объектларини, уларнинг ўзаро алоқасини, ахборотларни яратиш, тарқатиш, қайта ишлаш, тўплаш технологиялари ва воситаларини, шунингдек ахборот жараёнларининг ташкилий ва ҳуқуқий таркибини мужассамлаштирган бўлади.

Ҳозирги куннинг таълим тизими инсониятнинг имкониятлари ва талабларини инобатга олиши зарур. Таълим тизими шахсга йўналтирилган характерга эга бўлиши, яъни шахснинг ҳар хил хусусияти ва сифатига эътибор қилган ҳолда дифференцияллашган бўлиши керак.

Ўтган яқин даврда жаҳоннинг кўп мамлакатларида ҳукмрон бўлган ўртача талабага йўналтирилган таълим тизими бугунда нафақат талабани, балки жамиятни ҳам қаноатлантирмаяпти. Ҳар қандай таълим тизими маълум бир ижтимоий, илмий- техник, иқтисодий, маданий ва ниҳоят, сиёсий муҳитда шаклланади ва ривожланади. Илмий-техник тараққиёт, маданий ва сиёсий муҳит ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни ривожлантириши ёки секинлаштириши мумкин. Таълим тизими жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланишининг асосий вазифаларини амалга оширишга хизмат қилади, чунки мактаб, олий таълим муассасаси инсонни иқтисодиёт, маданият, сиёсий ҳаётда фаол фаолият кўрсатиш учун тайёрлайди. Шунинг учун ҳам мактаб ва олий таълим муассасаси таълимнинг таянч бўғини сифатида муҳим аҳамият касб этади.

МУҲОКАМА

Шу билан бир қаторда мактаб ва олий ўқув юрти педагоглари ўртасида ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ва илмий-техник тараққиёт ўзининг

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00240

ифодасини кечикиб топади. Ўқитувчи ва талабаларнинг фикрлаши ва қабул қилиш фаолиятида янги ғоялар, янги технологияларни ўзлаштириш маълум бир даврни талаб этади.

Шахсга йўналтирилган ўқитиш, биринчи навбатда, таълимнинг парадигмасини ўзгартиради. Агар авваллари таълим тизимида ўқитиш устувор саналган бўлса, ҳозирда жамиятнинг ахборотлашуви даврида устуворлик ўқишга ўргатишга йўналтирилган. Шу сабабдан таълимнинг ўқитувчи-дарслик-талаба парадигмаси талаба-дарслик-ўқитувчи парадигмаси билан ўрин алмашиши зарурдир. Педагог янги статусга эга бўлади, энди унинг вазифаси талабаларни мустақил билим олиш фаолиятини ташкил этиш, билимларни мустақил эгаллаш ва уларни амалиётда қўллашга ўргатишдан иборат бўлади. Ўқитувчи бундай мақсадларда ўқитишнинг методлари, технологияларини шундай танлаши керакки, у талабаларга нафақат тайёр билимларни ўзлаштиришларида, балки билимларни турли манбалардан излаш, мустақил эгаллаш, ўзларида шахсий нуқтаи назарнинг шаклланиши, уни асослаши ва аввалги эгалланган билимлардан янгиларини олишда фойдаланиш имкониятини яратиш керак. Бундай ўқитишни ривожлантирувчи ҳам дейиш мумкин. Билимларни ўзлаштириш фикрлашни ривожлантирувчи муҳим омил ҳисоблансада, билимларни ҳар қандай ўзлаиггириш ёки эгаллаш талабанинг фикрлашига ривожлантирувчи таъсир кўрсатмайди.

Бунинг учун билимларни, фаолият шаклларини фаоллаштириш лозим. Эгалланган билимларни оддий қайтариш ўкувчи ва талабаларнинг мустақил фикрлашларини ривожлантиришда етарли бўлмайди. Фаол билиш, мустақил фикрлаш фаолияти жуда зарурдир. Билимларни мустақил эгаллаш фаолияти ва олинган билимларни қўллаш жараёни янги билимларни шаклланишига, талабанинг самарали фикрлаш манбаига айланади.

Шу сабабдан мамлакатимизда ва жаҳоннинг ривожланган давлатларида таълим соҳасини ислоҳ қилиш жараёнида педагогик технологияларнинг ривожланиши зарур ахборотларни мустақил излаб топиш, муаммони қўя билиш ва унинг ечимини ҳал этиш, олинган билимларни танқидий таҳлил эта олиш ва бу билимларни янги масалаларни ечишда қўллаш учун йўналтирилган. Эндиликда шахсга йўналтирилган таълимнинг зарурийлиги барчага аён бўлмокда.

Шахсга йўналтирилган ўқитиш - бу талабанинг шахсий хусусиятларини, қобилияти ва имкониятини инобатга олувчи, илгор педагогик ва ахборот технологияларидан талаба шахсини ривожлантиришда самарали фойдаланувчи

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00240

ўқитишдир. Шундай қилиб, шахсга йўналтирилган ўқитиш, ўқитишни дифференциациялаш ва индивидуаллаштириш асосий тамойил сифатида қаралади. Шакл ва мазмуннинг ранг-баранглиги - талабанинг қизиқиши, имконияти ва шахсий хусусиятидан келиб чиқиб таклиф этилаёгган ҳоллардан танлаш имкониятини беради. Бундай имконият таълим тизимида ҳам ўз аксини топиши зарур. Ҳар хил сатҳли ўқитиш бундай муаммонинг ечими бўла олади.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда замонавий электрон таълим воситалари микро ва макро дунёдаги, мураккаб қурилмалар ва биологик тизимлардаги ҳодиса ва жараёнларни компьютер графикаси ва моделлапггиришидан фойдаланиш асосида ўргатиш, жуда катта ёки жуда кичик тезликда содир бўладиган физик, кимёвий ва биологик жараёнларни қулай вақт ўлчамида тақдим этиш каби янги дидактик масалаларни ечишга ёрдам беради.

Ўқув машғулотларининг талабаларни кундалик фанлар мажмуаси ва улар бўйича берилган топшириқлар мажмуаси билан ҳисоблашишга тўғри келадиган қилиб ташкил этилиши кўплаб муаммоларни келтириб чиқаради. Бундай ҳолда талабалар бирон бир фанга ўзларининг диққат эътиборини тўлиқ қарата олмайдилар. Бундай нотугалликларни бартараф этишда, назаримизда, модулли ўқитиш энг яхши ечим ҳисобланади.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси президентининг 2019 йил 7 февралдаги ПФ 4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси президентининг 2019 йил 6 сентябрда “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5812- сон Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3775-сон Қарори.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00240

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 октябрдаги «Ахборот технологиялари соҳасида таълим тизимини янада такомиллаштириш, илмий тадқиқотларни ривожлантириш ва уларни IT-индустрия билан интеграция қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги **ПҚ-4851**-сон Қарори.
6. Р.Ҳамдамов, У.Бегимқулов, Н.Тайлоқов. (2010). Таьлимда ахборот технологиялари. Олий таьлим муассасалари учун ўқув қўлланма. ЎзМЭ давлат илмий нашриёти, 120 б.
7. Дьяченко, С. А. (2007). Электронные средства обучения в деятельности преподавателя. Среднерусский вестник общественных наук, (2).
8. Пулатова, Д. Т. (2015). Таълим жараёнига электрон ахборот таълим ресурсларини жорий этишнинг педагогик шарт-шароитлари. Современное образование (Узбекистан), (7).
9. Iskandarovich, U. I. (2021). Theoretical Fundamentals of Introduction of Electronic Educational Tools to the Educational Process. Central asian journal of theoretical & Applied sciences, 2(1), 1-7.
10. Asqarov, I. B (2017). Bo'lajak kasb ta'limi o'qituvchilarini tadqiqot faoliyati uchun tayyorlashning asosiy bosqichlari. Sharqiy Evropa ilmiy jurnali, (5).
11. Аскаров, И. Б. (2017). Управление и планирование процессом формирования исследовательских умений и навыков будущих преподавателей профессионального образования. Школа будущего, (2), 10-15.
12. Аскаров, И. Б. (2017). Основные подходы и принципы подготовки будущих педагогов профессионального обучения к исследовательской деятельности. Актуальные научные исследования в современном мире, (2-6), 25-32.
13. Аскаров, И. Б. (2016). Подготовка к исследовательской деятельности будущего педагога профессионального обучения. In Педагогическое мастерство (pp. 39-42).
14. Бегматов, Б. Я. (2020). Техника олий таълим муассасаларида талаба амалиёти тадқиқи. Academic research in educational sciences, (3).